

А Ж Р И М

(Ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2023 йил октябрь ойининг 9 куни, жиноят ишлари бўйича Поп туман судининг суд мажлиси, суд биносида, очик суд мажлисида, туман судининг раиси Ж.Курбановнинг раислигида, судья ёрдамчиси Х.Бектемировнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Поп туман прокурорининг катта ёрдамчиси Г.Шарипова, жабрланувчининг вакиллари Н.Бойматов, Ф.Назирова, судланувчи И.Хамраевнинг иштирокида, Хамраев Илхомжон Жўрабоевичга оид 1-1606-2301/309-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

Судланувчи Хамраев Илхомжон Жўрабоевич, 1985 йил 9 мартда Чуст туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Чуст туман судининг 2018 йил 8 майдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси 28,209-моддасининг 1-қисми билан 1 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари миқдорида 13.024.000 сўм жарима жазоси тайинланиб, 2016

йил 12 октябрдаги амнистия актига асосан асосий жазодан озод қилинган, мансабдорлик

ва моддий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосини тўлиқ ўтаб бўлган, Чуст туман ХТБга қарашли болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ўқитувчи-мураббий, Чуст тумани, “Ютмос” МФЙ, Тантана кўчаси, 22-уйда яшайди, жиноят иши бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2023 йил 31 августда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланган.

Суд, суд мажлисида судланувчи ва жабрланувчининг вакилларини судга тақдим этган ўзаро ярашув ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиб, уларнинг кўрсатувларини ҳамда тарафларнинг фикрини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И



Судланувчи И.Хамраев 2023 йилнинг 9 август куни соат 16:20 ларда бошқарувидаги “Спарк” русумли, 50Q580JA давлат рақам белгили автомашинасини Чуст тумани, “Ютмос” МФЙ ҳудудидан ўтган ички автомобиль йўлида ҳаракатланиб кетаётиб, амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 3-бандида, “Йўл ҳаракати қатнашчилари “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини, ушбу Қоидаларни ва унда келтирилган светофор ишоралари, йўл белгилари, йўл чизиқларининг талабларини билишлари, уларга амал қилишлари, шунингдек, уларга берилган ваколат доирасида йўлларда ҳаракатни тартибга солувчиларнинг кўрсатмаларини сўзсиз бажаришлари шарт”, 4-бандида, “Йўл ҳаракати қатнашчилари бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатланишига хавф туғдирмасликлари керак”, 7-бандида, “Механик транспорт воситасининг ҳайдовчиси қуйидагиларни ёнида олиб юриши ва ИИО ходимлари талаб қилганда текшириш учун тақдим этиши шарт: 1) ҳайдовчилик гувоҳномаси ва унинг талонини ёки транспорт воситасини вақтинчалик бошқариш ҳуқуқини берувчи талонни, ҳайдовчилик гувоҳномаси белгиланган тартибда олиб қўйилган бўлса, унинг талонини, ҳайдовчилик гувоҳномаси ва унинг талони олиб қўйилган ҳолларда вақтинчалик рухсатномани; 2) вақтинчалик бошқариш ҳуқуқини берувчи талон ёки вақтинчалик рухсатнома билан транспорт воситасини бошқаришда ҳайдовчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатни; 3) транспорт воситаси ёки тиркамани қайд қилиш гувоҳномасини, транспорт воситасининг эгаси бўлмаган ҳолларда эса умумий эгаллик ҳуқуқини ёки тасарруф этиш ҳуқуқини берувчи, эгаллик қилишга ва фойдаланишга берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни; 4) транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисини” деб, 11-бандида, “Ҳайдовчи ҳаракатланиш вақтида пиёдалар, айниқса, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши шарт”, 53-бандида, “Ҳайдовчи ҳаракатланишни бошлаш, йўналишни ўзгартириш (қайта тизилиш, бурилиш, қайрилиб олиш, қувиб ўтиш ва айланиб ўтиш) ва тўхташдан олдин бажарилаётган манёвр хавфсиз эканлигига ва бошқа ҳаракат қатнашчиларига халақит бермаслигига ишонч ҳосил қилиши керак” деб, 54-бандида, “Ёндош ҳудудлардан йўлга чиқаётган ҳайдовчи унда ҳаракатланаётган транспорт воситалари ва пиёдаларга, шунингдек йўлдан чиқишда ҳаракат йўналишини кесиб ўтаётган пиёдалар ва велосипедчиларга йўл бериши керак”, 57-бандида, “Бурилишни шундай амалга ошириш керакки, бунда қатнов қисмларининг кесишмасидан чиқаётган транспорт воситаси қарама-қарши йўналишдаги ҳаракат бўлагига ўтиб кетмаслиги керак”, 77-бандида, “Ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши керак. Тезлик ҳайдовчига ушбу



қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак. Ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсикни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак” деб кўрсатилган қоида талабларини кўпол равишда бузиб, ҳаракат хавфсизлигини таъминлай олмай, бошқарувни йўқотиб, чап томонига қарамасдан автомобиль йўлидан чапга қайрилиб ҳаракатланган вақтида, ўзига нисбатан йўлнинг чап томонида асфальт йўлнинг четида ҳаракатланиб кетаётган пиёда Р.Бойматовани уриб юбориб, уни оғир тан жароҳати олишига сабабчи бўлган.

Поп туман СТЭбнинг 2023 йил 16 августдаги 1604/1529-сонли экспертиза хулосасида, Р.Бойматованинг тан жароҳатлари - бош мияни оғир даражали лат ейиши, қон қуйилиши, ўнг кўз олмаси контузияси, ўнг ёноқ соҳаси йиртилган жароҳати, ўнг ёноқ юз ва ёноқ, иккала қўл ва оёқлар шилинмалари, мия шиши, мия комаси, амавроз кўринишида бўлиб, ушбу жароҳатлар оғирлик даражасига кўра, оғир тан жароҳатлар тоифасига кириши кўрсатилган.

Судланувчи И.Хамраев судда, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига тўлиқ иқрорлиги, 2023 йилнинг 9 август куни соат 16:20 ларда бошқарувидаги “Спарк” русумли, 50Q580JA давлат рақам белгили автомашинасини Чуст тумани, “Ютмос” МФЙ ҳудудидан ўтган ички автомобиль йўлига ҳаракатланиб чиқаётиб, чап томонига қарамасдан автомобиль йўлидан чапга қайрилиб ҳаракатланган вақтида, ўзига нисбатан йўлнинг чап томонида асфальт йўлнинг четида ҳаракатланиб кетаётган пиёда Р.Бойматовани уриб юборгани, натижада Р.Бойматова оғир тан жароҳати олгани, жабрланувчига дарҳол биринчи тез тиббий ёрдамни кўрсатгани ва уни шифохонага олиб боргани, жабрланувчи шифохонада даволангани ва аста-секинлик билан тузалаётгани, уни даъволаниши учун кетган сарф-харажатларни тўла қоплагани, келгусида ҳам шифокорга қаратиб, қўлидан келганича ёрдам беришини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаб етгани, жабрланувчининг қонуний вакили билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олгани, ярашувга рози эканини билдириб, уни жиноий жавобгарликдан озод қилиб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.



Жабрланувчининг вакили Н.Бойматов судда, жабрланувчи синглиси эканлигини, эшитиши бўйича судланувчи И.Хамраев 2023 йил 9 август куни соат 16:20 ларда бошқарувидаги “Спарк” русумли автомашинасида асфальт йўлнинг четида ҳаракатланиб кетаётган синглисини уриб юборгани, натижада синглиси оғир тан жароҳати олиб, шифохонада даволангани, ҳозирда аста-секинлик билан тузалаётгани, уни даволаниши учун кетган сарф-харажатлари судланувчи томонидан тўла қоплаганлигини, синглиси Р.Бойматова билан ўзаро келишган ҳолда судда қатнашаётгани ва синглиси ҳам ярашувга рози эканлигини, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, И.Хамраевга нисбатан даъвоси йўқлиги, ярашув тўғрисидаги аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйиқ бўлмагани, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини билдириб, И.Хамраевга оид жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Жабрланувчининг вакили Ф.Назирова судда, жабрланувчи қизи эканлигини, эшитиши бўйича судланувчи И.Хамраев 2023 йил 9 август куни соат 16:20 ларда бошқарувидаги “Спарк” русумли автомашинасида қизини уриб юборгани, натижада қизи Р.Бойматова оғир тан жароҳати олиб, шифохонада даволангани, ҳозирда аста-секинлик билан тузалаётгани, уни даволаниши учун кетган сарф-харажатлари судланувчи томонидан тўла қоплаганлигини, қизи Р.Бойматова билан ўзаро келишган ҳолда судда қатнашаётгани ва қизи ҳам ярашувга рози эканлигини, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, И.Хамраевга нисбатан даъвоси йўқлиги, ярашув тўғрисидаги аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйиқ бўлмагани, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини билдириб, И.Хамраевга оид жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасида, шу кодекс 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар ўз айбига тўлиқ иқроор бўлиб, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни баргараф этса, жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2012 йил 25 октябрдаги “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 27-сонли қарорининг 3-бандида, қонунда ярашув тўғрисидаги ариза суриштирув ва дастлабки терговнинг исталган босқичида, судда эса жиноят ишини кўриб чиқаётган биринчи инстанция суди маслаҳатхона (алоҳида хона)га киргунга қадар берилиши мумкин деб кўрсатилган.



Суд, юқоридаги раҳбарий тушунтиришларга риоя этиб, жабрланувчининг вакиллари Н.Бойматов, Ф.Назирова ва судланувчи И.Хамраев билан ўзаро ярашиб олганликлари ҳақидаги баёноتلарини тинглаб, бу ҳақидаги аризаларини инобатга олиб, жабрланувчининг вакиллари Н.Бойматов ва Ф.Назировага Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддасининг 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқланганидан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтирган ҳолда И.Хамраевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан юритилган жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига асосан уни жинойий жавобгарликдан озод этиб, ярашув асосида тугатишни, жиноят оқибатида етказилган моддий зарар тўла қопланганлиги сабабли мазкур масалани инобатга олишни, шунингдек, жиноят ишига қўшилган бир дона “DVD” дискни жиноят иши билан бирга сақлашни лозим топади.

Суд, юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84,423,582-583,585-586-моддаларига асосан

А Ж Р И М Қ И Л А Д И

Хамраев Илхомжон Жўрабоевичга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 266-моддасининг 1-қисми билан юритилган жиноят иши ярашув тартибида тугатилсин.

И.Хамраевга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Жиноят оқибатида етказилган моддий зарар тўла қопланганлиги инобатга олинсин.

Жиноят ишига қўшилган бир дона “DVD” диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ажримдан норози тарафлар йигирма кун ичида шу суд орқали Наманган вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи:

Ж.Курбанов



Маъсул судья: Курбанов Жасурбек Исламович



Хужжат имзоланган: Курбанов Жасурбек Исламович, 09.10.2023

